



## РОССИЯДА НОГИРОНЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЗАХИРАЛАШ ЙЎНАЛИШИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ИСТИҚБОЛЛИ ТАЖРИБАЛАР

**Рашидов Диловар**

Тошкент давлат транспорт университети

ORCID: 0000-0003-3267-9161

[rashidovdn@mail.ru](mailto:rashidovdn@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринларини захирага қўйиш бўйича Россия Федерацияси субъектларида қўлланилаётган тажрибалар атрофлича таҳлил қилинган. Бунда айниқса, ногиронлар учун ажратилаётган квота иш ўринлари миқдори, иш берувчилар учун имконияти чекланган шахсларни ишга қабул қилганликлари учун берилаётган имтиёзлар, махсус иш ўринларининг ташкил қилиниши масалалари атрофлича ўрганилган. Шунингдек, иш берувчилар томонидан квота бўйича қонунчилик талабларининг бажарилиши юзасидан назоратнинг олиб борилиши, бу йўналишдаги маълумотларнинг шаффофлиги ва ошкоралиги масалалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** квота, иш ўринлари, махсус иш ўринлари, ногиронлар, имконияти чекланган шахслар, рағбатлантириш чоралари, иш берувчилар, захираланган иш ўринлари, реабилитация.

## ПЕРСПЕКТИВНЫЙ ОПЫТ, ИСПОЛЬЗОВАННЫЙ В РОССИИ В НАПРАВЛЕНИИ РЕЗЕРВИРОВАНИИ РАБОЧИХ МЕСТ ДЛЯ ИНВАЛИДОВ

**Рашидов Диловар**

Ташкентский государственный

транспортный университет

**Аннотация.** В статье подробно анализируется опыт, используемый в субъектах Российской Федерации по резервированию рабочих мест для инвалидов. В частности, детально изучено количество котируемых рабочих мест для инвалидов, льготы, предоставляемые работодателям при приеме на работу инвалидов, вопросы организации специальных рабочих мест. Также были проанализированы вопросы контроля за выполнением работодателями требований законодательства по квоте, прозрачности и раскрытия информации в этом направлении.

**Ключевые слова:** квоты, рабочие места, специальные рабочие места, инвалиды, меры стимулирования, работодатели, резервированные рабочие места, реабилитация.

## PROMISING EXPERIENCES USED IN RUSSIA IN THE DIRECTION OF RESERVING JOBS FOR THE DISABLED

**Rashidov Dilovar**

Tashkent State Transport University

**Abstract.** The article analyzes the experiences used in the subjects of the Russian Federation on reserving jobs for persons with disabilities. In particular, the number of quota jobs allocated for disabled people, the benefits given to employers for hiring disabled people, and the issues of the organization of special jobs were studied in detail. Also, the article analyzes the issues of control over the fulfillment of legal requirements on quota by employers, transparency and disclosure of information in this direction.

**Key words:** quota, jobs, special jobs, disabled people, disabled people, incentive measures, employers, reserved jobs, rehabilitation.

### Кириш.

“Россия Федерациясида аҳоли бандлиги тўғрисида”ги (Федеральный закон, 2023) федерал қонунга биноан, давлат қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

- корхоналарда (ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар) ногиронларни ишга қабул қилиш учун захира иш ўринлари ҳамда махсус иш ўринлари миқдорини ташкил қилиш;
- ногиронлар учун мўлжалланган қўшимча (шу жумладан, махсус) иш ўринларини ташкил қилган иш берувчиларни рағбатлантириш;
- ногиронларни реабилитация ва абилитация қилишнинг индивидуал дастурларига мувофиқ улар учун меҳнат шароитларини яратиш;
- ногиронларнинг тадбиркорлик фаолиятини олиб боришлари учун шарт-шароит яратиш;
- меҳнат бозоридаги мавжуд талабдан келиб чиқиб ногиронларни касбга ўқитиш, қўшимча касб-ҳунар таълимини олишларини ташкиллаштириш ва ҳ.к.

Иш берувчилар ногиронлар учун реабилитация ва абилитация дастурларида кўзда тутилган шарт-шароитларни яратиб беришлари шарт. Мисол учун I ва II гуруҳ ногиронлари учун иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда ҳафталик 35 соатлик қисқартирилган иш вақти жорий қилинган. Шунингдек, ногиронлар узайтирилган ҳар йиллик меҳнат таътилидан фойдаланадилар. Меҳнат таътилининг давомийлиги 30 календар кунидан кам бўлиши мумкин эмас. Қонунчиликка биноан иш берувчи ногироннинг аризасига биноан унга исталган пайтда иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил беришга мажбур. Бироқ бундай таътиллارнинг миқдори бир йил учун 60 календар кунидан ошиши мумкин эмас.

2020 йилда Россия Федерацияси ҳукумати 2021-2024 йилларда ногиронлар бандлигини ошириш бўйича тадбирлар Режасини (Распоряжение, 2020) тасдиқлади. Режага кўра:

- ✓ иш берувчилар томонидан корхонада ногиронлар учун захирага қўйилган иш ўринларини ташкил қилинганлиги ёки ажратилганлиги бўйича талабларни қай даражада бажарилаётганлигини мониторинг қилиш;
- ✓ ногиронлар билан бандлик хизмати органлари ўртасида масофавий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва бундай шаклдаги алоқани ривожлантириш;
- ✓ ногиронларнинг бандлигини таъминлашда “Россияда иш ўринлари(Работа в Росии)” умумроссия бўш иш ўринлари базаси орқали ҳамкорлик қилиш каби чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Россия Федерацияси томонидан ногиронлар учун иш ўринларини захиралаш соҳасида амалга оширилаётган тажрибаларни таҳлил қилиб, мамлакатимизга тўғри келадиган жиҳатларини амалда қўллаб кўриш мақсадга мувофиқдир.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Кураева Любовь Николаевна, Мирзабалаева Фарида Исламудиновналар (2021) Россия Федерацияси субъектларида ногиронлар учун ин ўринларини захиралашнинг минтақавий хусусиятларини ўрганиб чиқишган. Олимлар барча минтақаларнинг тажрибаларини таҳлил қилиб умумлаштиришган. Муваққиятли тажрибаларни Россия Федерациясининг бошқа субъектларида ҳам қўллаб кўриш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишган.

Ненахова (2018) ногиронларнинг меҳнат салоҳиятини ўрганиб чиққан. У ўз тадқиқотларида ногиронларнинг меҳнат қилишига ёки ишга жойлашишига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни ҳар томонлама ўрганиб чиққан.

Старобина, Кузьмина, Гордиевская ва Климонлар (2015) ногиронларнинг бандлиги масалалари бўйича тадқиқот олиб боришган. Улар ногиронлар бандлигининг паст даражада бўлишига сабаб бўлаётган қатор омилларни ўрганиб чиқишган ва таҳлил қилишган. Тадқиқот натижаларига биноан асосий омиллар сифатида ажратилаётган иш ўринларининг ногиронлар малакасига мос эмаслиги, иш берувчиларнинг кўп ҳолларда ногиронларни ишга олишни хоҳламасликлари кабилар кўрсатиб ўтилган.

Тринадцатко (2021) Россияда ногиронларнинг бандлиги ҳолатини иккита даврга бўлиб таҳлил қилган. Биринчи галда олим ногиронларнинг Ковид-19 пандемиясидан олдинги даврдаги бандлиги ҳолатини ўрганган. Шундан кейин пандемия даврида ногиронларнинг бандлиги ҳолати таҳлил қилинган. А.Тринадцко ногиронларни меҳнатга жалб этиш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш каби масалалар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиш керак деб ҳисоблайди.

Шуляева Алефтина Владиславовна (2017) ногиронларнинг бандлигини таъминлашдаги муаммолар бўйича тадқиқот олиб борган. У иш берувчилар ва ногиронлар ўртасида керакли маълумотларни тезкорлик билан алмашиш учун инфорацион тизим яратишни, шунингдек имконияти чекланган шахсларнинг яқка тартибдаги меҳнатини ривожлантиришни таклиф қилади.

Алиева ва Мирзабалаевалар (2014) ногиронлар учун қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини анъанавий ва махсус гуруҳларга бўладилар. Биринчи гуруҳга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўқиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш, ўзини-ўзи банд қилган ногиронларни қўллаб-қувватлаш кабиларни, иккинчи гуруҳ чораларига эса масофадан туриб бажариладиган иш ўринларини ташкил қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш кабиларни кўрсатиб ўтганлар.

Арбуз (2019) ногиронларнинг ишга жойлашишларида бу жараёнга алоқадор бўлган барча субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги ўта муҳим эканлигини таъкидлайди. Олима жараён субъектларининг ҳамкорлик қилиш механизмларини ишлаб чиқади ва бу нарса ногиронларни иш билан таъминлаш жараёнини тезлашлатиришини таъкидлайди.

Пашкова Галина Георгиевна (2018) Россия Федерациясида ногиронларнинг бандлиги бўйича асосий муаммолар, яъни касбга эга бўлиш, ишга жойлашиш, ижтимоий иш ўринларининг етарли эмаслиги, камситилиш ҳолатларини таҳлил қилган ва ногиронларнинг бандлиги бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиққан.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мақолани тайёрлаш жараёнида Россия Федерацияси субъектларида ногиронлар учун иш ўринларини захирага қўйиш тартиби, бу йўналишдаги ижтимоий сиёсат,

минтақалардаги муваффақиятли тажрибалар ўрганиб чиқилди. Тадқиқот давомида қўплаб россиялик олимларнинг илмий ишлари, фикрлари, бу йўналишдаги мамлакат қонунчилиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳволи атрофлича таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ногиронлар учун иш ўринларини захирага қўйиш соҳасида истиқболли ва самарали усулларни қўллаш учун Россия Федерацияси субъектларида татбиқ қилинган муваффақиятли тажрибалар асосида таклиф ва тавсиялар тайёрлашдан иборат.

### **Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси.**

Россияда жисмоний имконияти чекланган шахслар меҳнат қиладиган корхоналар учун бир қанча солиқ ва суғурта имтиёзлари берилган. Шу билан бирга бу корхоналар субсидия ҳам олишлари мумкин. Ногиронлар учун иш ўринларини захирага қўйиш 100 дан ортиқ иш ўринларига эга бўлган корхоналар учун иш ўринларининг камида 2% идан 4 % игача, 35 тадан 100 тагача иш ўринларига эга бўлган корхоналар учун эса иш ўринларининг 3% идан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланган.

Россиялик тадқиқотчилар Ненахова (2018), Старобина, Кузьмина, Гордиевская ва Климонлар (2015) ўз илмий мақолаларида ногиронлар бандлигининг паст даражада бўлишига сабаб қилиб қуйидагиларни санаб ўтадилар:

-ажратилаётган иш ўринларининг ногиронларнинг касбий-малакавий ва жисмоний имкониятларги мос келмаслиги;

-иш берувчиларнинг ногиронларни ишга олишни истамаслигига олиб келувчи ногиронлар меҳнат унумдорлигининг пастлиги ҳақидаги нотўғри ижтимоий қарашлар;

-очиқ меҳнат бозоридаги иш ўринларининг ногиронлар учун жисмоний ҳамда техник жиҳатдан мос эмаслиги;

-ногиронларни ишга олишда, улар учун ҳаётий функцияларининг асосий чекловларини ҳисобга олган ҳолда махсус ҳамда мослаштирилган иш ўринларини ташкил қилиш учун иш берувчиларда етарлича мотивациянинг йўқлиги;

- одатда ногиронларда билим даражасининг пастлиги, иш берувчилар талаб қиладиган мутахассисликлар бўйича уларда касбий тайёргарликнинг йўқлиги ёки етарли даражада эмаслиги;

-ногиронларда мотивациянинг пастлиги.

Россияда ногиронлар учун захираланадиган иш ўринларининг миқдори ҳудудлар кесимида фарқ қилади. Бугунги кунда Россиянинг 6 та субъектида, яъни Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Архангел, Киров, Свердлов ва Курган вилоятлари 100 тадан кам иш ўринларига эга бўлган корхоналарда ногиронлар учун иш ўринлари захирага қўйилмайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, 2017-2020 йиллар давомида Россиянинг қўплаб субъектларида ногиронлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари миқдори ўсиш тарафига ўзгартирилган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда 35 дан 100 тагача иш ўринларига эга бўлган корхоналарда Россиянинг деярли 50% субъектларида ногиронлар учун федерал қонунчиликда белгиланган энг кўп миқдорларда(иш ўринларининг 3% и ), квота ажратилган. 100 тадан кўп иш ўринларига эга бўлган корхоналарда эса Россиянинг 25% субъектларида энг кўп миқдорларда(иш ўринларининг 4% и) квота ажратилган. Бунда қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордаги квоталар(иш ўринларининг 2% и) Федерациянинг учдан бир қисмидаги ҳудудларида ажратилган.

1-жадвал

2017-2020 йилларда Россия субъектларида квота миқдорининг ўсиши<sup>170</sup>

т/р	Субъект номи	Ўсиш миқдори	Жорий қилинган сана
<b>100 ТАДАН ОРТИҚ ИШ ЎРИНЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ИШ БЕРУВЧИЛАР УЧУН</b>			
1.	Тамбов вилояти	1% га	2019 йил феврал
2.	Ярослав вилояти	1% га	2017 йил сентябр
3.	Карелия Республикаси	1% га	2018 йил март
4.	Новгород вилояти	1% га	2020 йил апрел
5.	Краснодар ўлкаси	1% га	2017 йил июн
6.	Кабардино-Балкар Республикаси	1% га	2018 йил апрел
7.	Марий Эл Республикаси	1% га	2017 йил август
8.	Удмурт Республикаси	1% га	2018 йил январ
9.	Чуваш Республикаси	1% га	2018 йил июл
10.	Бурятия Республикаси	1% га	2018 йил январ
<b>35 ТАДАН 100 ТАГАЧА ИШ ЎРИНЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ИШ БЕРУВЧИЛАР УЧУН</b>			
1.	Орлов вилояти	1% га	2017 йил октябр
2.	Ярослав вилояти	1% га	2017 йил сентябр
3.	Краснодар ўлкаси	1% га	2017 йил июн
4.	Кабардино-Балкар Республикаси	1% га	2018 йил апрел
5.	Марий Эл Республикаси	1% га	2017 йил август
6.	Удмурт Республикаси	1% га	2017 йил июл
7.	Чуваш Республикаси	0,5% га	2018 йил июл
8.	Улянов вилояти	1% га	2018 йил декабр
9.	Бурятия Республикаси	1% га	2018 йил январ
10.	Саха (Якутия)	1% га	2017 йил июн

Коми Республикаси, Тюмен, Омск каби бир қанча ҳудудларда меҳнат бозоридаги ҳолатни инобатга олган ҳолда ногиронларни ишга қабул қилиш учун квота иш ўринлари ҳамда махсус иш ўринларининг энг кам миқдори бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун белгиланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ногиронлар учун белгиланган квота бўйича мажбуриятларини бажаришда имкониятларини кенгайтириш мақсадида иш берувчилар учун Россия Федерацияси субъектларининг меъёрий-ҳуқуқий қонунларида квотани бажаришнинг муқобил усуллари кўрсатилган.

Россия Федерациясининг бир қатор субъектларида иш берувчилар корхонада захирага қўйиш учун иш ўринларини ташкил қилиш имкониятига эга бўлмасалар, уларга квотани муқобил усулда тўлдириш имкониятлари берилади (2-жадвал).

Статистик маълумотларга биноан 2019 йилда ногиронлар учун Россия бўйича 442,7 мингта (2018 йилда бу кўрсаткич 442,7 мингтани ташкил қилган) иш ўринлари захираланган. Шундан 76,7% и иш ўринлари сони 100 тадан ортиқ бўлган, 23,3% и эса иш ўринлари 35 тадан 100 тагача бўлган корхоналар ҳиссасига тўғри келади (Постановление, 2016). Бироқ, захирага қўйилган иш ўринларининг тўлдирилиши 70 % ни ташкил қилган ҳолда 116 мингта иш ўринлари вакантлигича қолиб кетган. Худди шунингдек, квота доирасида ногиронлар учун ташкил қилинган 32 мингта махсус иш ўринларидан бор-йўғи 59,2 % ига ногиронлар ишга қабул қилинган.

<sup>170</sup> Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.



2-жадвал

**Россия Федерацияси субъектларида ногиронлар учун белгиланган квота иш ўринларини ташкил қилишнинг таклиф қилинадиган муқобил усуллари<sup>171</sup>**

т/р	Квота иш ўринларини ташкил қилиш бўйича муқобил усул	Худудлар
1.	Белгиланган иш ўринларини бошқа ташкилот ҳисобидан ажратиш ёки ташкил қилишни молиялаштириш	Мордовия Республикаси, Ярослав, Тюмен, Томск вилоятлари, Ханти-Мансий автоном округи
2.	Ногиронлар бирлашмалари ва жамиятларида(шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналарда) иш ўринлари ташкил қилишни молиялаштириш ёки улардан иш ўринларини ижарага олиш	Коми, Удмурт, Бошқирдистон республикалари, Белгород, Орлов, Туль, Архангел, Мурманск, Псков, Амур вилоятлари
3.	Бошқа корхоналардан иш ўринларини ижарага олиш	Хакасия, Роми, Бошқирдистон, Мордовия, Татаристон республикалари, Перм вилояти, Олтой минтақаси, Приморск ўлкаси, Липецк, Орлов, Рязан, Тула, Новгород Киров, Оренбург, Иркутск, Омск ва Томск вилоятлари, Санкт-Петербург шаҳри
4.	Ногиронлар жамиятлари махсус корхоналарида хизмат кўрсатиш шартномаларига биноан ишлаб чиқариш буюртмаларини(ишларни бажариш ҳақида) бериш. Бунда буюртманинг ҳажми квоталарнинг белгиланган даври ва миқдорига мос келиши лозим.	Бошқирдистон ва Мордовия республикалари, Липец, Орлов, Рязан, Архангель, Мурманск, Оренбург вилоятлари
5.	Белгиланган квоталар миқдоридан келиб чиқиб бир неча иш берувчилар ўртасидаги шартномага асосан ўзларининг маблағлари ҳисобидан ҳамкорликда махсус цехлар, устахоналар ташкил қилиш.	Коми, Бошқирдистон, Мордовия, Татаристон республикалари, Белгород, Липец, Орлов, Рязан, Туль, Архангель, Мурманск вилоятлари, Санкт-Петербург шаҳри.

Ушбу муаммоларга ечим топиш мақсадида Россия субъектларидаги бандлик хизматлари органлари томонидан ногиронлар учун ажратилаётган иш ўринларининг жозибадорлигини ошириш, захирага қўйилган иш ўриларини қайта кўриб чиқиш ёки уларни ишсиз ногиронларнинг касби ва малакасига мослаштириш мақсадида бир қатор ишлар қилинмоқда.

Сахалин вилоятида ногиронлар учун захираланган иш ўринларини тўлдиришнинг самарали механизмларидан бири сифатида квота иш ўринларини қайта профиллаштириш тажрибаси амалга оширилган. Яъни, квотага ажратилган иш ўринларига ишга қабул қилиш учун тўғри келадиган мутахассислар(ногиронлар) топилмаган тақдирда бу иш ўринлари бандлик хизматлари ҳисобида турган ногиронларга қайта профиллаштирилади. Бу билан вакант бўлиб турган квота иш ўринларини тўлдиришга имконият яратилади. Бундай тартиб Ямана-Нанец автоном округи ва Хабаровск ўлкасида ҳам жорий қилинган. Худди шунингдек, иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш тажрибаси ҳам ўзининг самарадорлигини кўрсатган. 2018 йилдан бошлаб Брянск вилоятида вакант иш ўринларини (квотага ажратилган) бандлик хизматлари ҳисобида турган ишсиз

<sup>171</sup> Муаллиф томонидан қуйидаги илмий мақола материаллари асосида тузилди: Кураева Любовь Николаевна, & Мирзабалаева Фарида Исламудиновна (2021). Региональные практики квотирования рабочих мест для инвалидов. Экономика, предпринимательство и право, 11 (6), 1423-1438.

ногиронларга мослаб алмаштириш ёки коррективроқ қилиш тажрибаси қўлланилиб келинмоқда.

Юқоридагилардан ташқари яна бир ноодатий тажрибани айтиб ўтиш жоиз. Воронеж вилоятда меҳнат органлари ногиронларнинг бандлиги масаласида ижтимоий ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, Воронеж вилоятининг савдо-саноат палатаси билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Бунда иш берувчилар томонидан квота бўйича қонунчилик талабларинининг бажарилиши ҳолати бўйича статистик маълумотлар ҳар кварталда ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган тарзда интернет тармоғида Воронеж вилояти Порталига жойлаштирилиб борилган. Натижада биргина 2019 йилда ногиронлар учун иш ўринларини квотага қўйиш қонунчилиги талабларини бажармаётган иш берувчилар сони уч бараваарга қисқарган.

Россия Федерациянинг баъзи субъектларида иш берувчилар турли мезонлар асосида баҳоланади ва кейинчалик уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларида бу кўрсаткичлар инобатга олинади. Мисол учун Челябинск вилоятида ногиронларни белгиланган квотадан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган иш берувчиларни рағбатлантириш мақсадида вилоятда ҳар йили ўтказиладиган “Йилнинг энг яхши ижтимоий масъулиятли иш берувчиси” конкурси доирасида “Ногиронларнинг бандлиги” номинацияси жорий қилинган. Бунинг натижасида биргина 2018-2019 йилларда белгиланган квотадан ташқари 1800 нафар ногиронлар қўшимча равишда бюджет ҳамда нобюджет ташкилотларига ишга қабул қилинган. Олтой ўлкасида ҳам шунга ўхшаган тартиб мавжуд. Иш берувчилар бир қанча мезонлар асосида танлаб олинади ва вилоятда ташкил қилинган “Ижтимоий масъулиятли иш берувчи” реестрига киргизилади. Асосий мезонлардан бири сифатида иш берувчилар томонидан қонунчилик бўйича белгиланган квота иш ўринларининг ташкил қилинганлигига эътибор қаратилади. Ушбу реестрга киритилган иш берувчилар кейинчалик Олтой ўлкасининг Губернатори томонидан давлат кўмаги олишлари ёки турли мукофотлар билан рағбатлантирилишлари мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турганидек, бугунги кунгача ногиронлар учун иш ўринларини захирага қўйиш йўналишида Россияда турли-туман тажрибалар қўлланилган. Айтиш жоизки, ҳаётга тадбиқ қилинган бир қанча тажрибалар яхшигина натижаларни кўрсатган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ногиронлар учун иш ўринларини захиралаш соҳасида янада яхшироқ ва самарилроқ натижаларга эришиш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

❖ квотага билан боғлиқ қонунчилик талабаларини объектив сабабларга кўра бажара олмаётган, яъни ногиронлар учун иш ўринларини ташкил қила олмаётган иш берувчиларга турли муқобил вариантларни таклиф қилиш;

❖ касби ва мутахассислиги тўғри келадиган ногирон топилмаганлигини сабабли тўлдирилмаган квота иш ўринларини вақти-вақти билан бандлик хизматлари ҳисобида турган ногиронларга қайта профиллаштириш;

❖ ногиронларнинг бандлиги масаласида барча алоқадор ташкилотларнинг ҳамкорликда ишлашини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш;

❖ иш берувчилар томонидан квота бўйича қонунчилик талабларининг бажарилиши ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ҳамма учун очиқ бўлган порталларда мунтазам равишда жойлаштириб бориш;

❖ иш берувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласини ҳал қилиш жараёнида улар томонидан квота билан боғлиқ талабларнинг қай даражада бажарилганлигига алоҳида мезон сифатида қараб хулосага келиш тартибини жорий қилиш.

**Адабиётлар/Литература/Reference:**

Алиева П.Р., & Мирзабалаева Ф.И. (2014). Проблемы создания достойной трудовой среды в трудоизбыточном регионе для людей с ограниченными возможностями. *Региональная экономика: теория и практика*, (39), 62-69.

Арбуз Анна Владимировна (2019). Механизм содействия трудоустройству лиц с ограниченными возможностями здоровья в современных социально-экономических условиях. *Вестник Омского университета. Серия «Экономика»*, (2), 143-156.

Кураева Любовь Николаевна, & Мирзабалаева Фариды Исламудиновна (2021). Региональные практики квотирования рабочих мест для инвалидов. *Экономика, предпринимательство и право*, 11 (6), 1423-1438.

Ненахова Ю.С. (2018) Трудовой потенциал инвалидов: проблемы реализации // *Народонаселение*. – № 3. – с. 96-108. – doi: 10.26653/1561-7785-2018-21-3-07.

Пашкова Галина Георгиевна (2018). Проблемы занятости и трудоустройства инвалидов в Российской Федерации. *Вестник Томского государственного университета. Право*, (29), 162-173.

Постановление (2016) Постановление Правительства Мурманской области от 05.09.2016 № 442-ПП «О порядке взаимодействия между работодателями по выполнению установленной квоты для приема на работу инвалидов».

Приказ (2015) Приказ Главного управления труда и занятости Омской области от 27 августа 2015 года № 37-п «О Порядке представления работодателями информации о свободных рабочих местах и вакантных должностях».

Распоряжение (2020) Распоряжение Правительства РФ от 15 октября 2020 г. № 2655-р «Об утверждении плана мероприятий по повышению уровня занятости инвалидов на 2021–2024 гг.».

Рашидов Д. (2022). Ўзбекистонда инклюзив меҳнат бозори истиқболлари: аҳолининг изжимой эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захиралаш: ҳолат, муаммолар ва таклифлар. *Scienceweb academic papers collection*.

Рашидов Д. (2022). Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар фаолиятини такомиллаштириш имкониятлари. *Scienceweb academic papers collection*.

Рашидов Д., Рахматов З., Умарова Д., & Кадилова Ш. (2023). Андижон вилоятидаги корхоналарда имконияти чекланган шахслар учун иш ўринларини кўпайтириш механизми. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(3), 496-501.

Рашидов Д., Умарова Д., Туйчиев А., & Каримова З. (2023). Имконияти чекланган шахслар меҳнат қиладиган корхоналарнинг фаолиятини соғломлаштириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида). *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(2), 279-283.

Старобина Е.М., Кузьмина И.Е., Гордиевская Е.О., Климон Н.Л. (2015) Причины низкой занятости инвалидов на рынке труда в оценках инвалидов и специалистов // *Вестник Всероссийского общества специалистов по медико-социальной экспертизе, реабилитации и реабилитационной индустрии*. – № 2. – с. 40–47.

Тринадцатко А.А. (2021) «Состояние занятости инвалидов в России в предпандемический и пандемический периоды // *Социодинамика*. – № 3. – С. 23 - 47.

Федеральный закон (2023) Федеральный закон от 12.12.2023 N 565-ФЗ О занятости населения в Российской Федерации URL: <https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=1&documentId=461491>

Шуляева Алефтина Владиславовна (2017). Решение проблем в профессиональном образовании и трудоустройстве лиц с ограниченными возможностями здоровья - инвалидов. *Власть и управление на Востоке России*, (4 (81)), 121-127.